

ТАЛАБАЛАРНИНГ УЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВИТАГЕН ТАЖРИБАГА ЭГАЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Пирниязова Малика Кенесбаевна
Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада витаген тажриба асосида талабаларда тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёни таъхис характериға эга. Шу боис талабаларнинг уларда тадбиркорлик компетенцияларининг ривожлани учун асос бўлувчи витаген тажрибага эгалликларини аниқлаш, даражасини баҳолаш талаб қилинади. Бу жараён талабаларни тестлар ва соҳага оид топшириқларни бажаришига жалб қилиш асосида таъхис қилинди. Респондент-талабаларнинг эътиборига уларда тадбиркорлик компетенциялари ҳамда ушбу компетенцияларнинг ривожланиши учун асос бўладиган витаген тажрибага эгалликларини аниқлашга ёрдам берадиган тестлар ҳавола қилинди. Мақолада ана шу ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик компетенциялари, витаген тажриба, тест, “Тадбиркорлик қобилиятига эгаман” тести, “Тадбиркорлик қобилияти” (Т.Матвеева тести), “Бизнес потенциалига эгалликни аниқловчи” тест, “Талабаларнинг тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича йўналганлигини баҳоловчи индикатор”.

ИЗУЧЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ СТУДЕНТОВ ПРИМЕНЯТЬ ОПЫТ ВИТАГЕН ДЛЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ

Пирниязова Малика Кенесбаевна
Соискатель ТГПУ имени Низами

Аннотация: В статье диагностическим является процесс развития предпринимательских навыков у студентов на основе витагенного опыта. Поэтому необходимо определить и оценить уровень витагенного опыта студентов, который является основой развития предпринимательских навыков. Этот процесс был организован на основе привлечения студентов к выполнению тестов и заданий, связанных с областью. Вниманию студентов-респондентов были предложены тесты, которые помогут определить, есть ли у них предпринимательские компетенции и витагенный опыт, который станет основой для развития этих компетенций. Об этом и говорится в статье.

Ключевые слова: Предпринимательские компетенции, витагенный опыт, тест, тест «Имею предпринимательские способности», тест «Предпринимательские способности» (тест Т.Матвеевой), тест «Определение владения бизнес-потенциалом», «Показатель оценки ориентации студентов на виды предпринимательской деятельности».

STUDY OF STUDENTS' POSSIBILITY OF VITAGEN EXPERIENCE DEVELOPING THEIR ENTREPRENEURSHIP COMPETENCIES

Pirniyazova Malika Kenesbaevna
Researcher of TSPU named after Nizami

Annotasion: In the article, the process of developing entrepreneurship skills in students based on vitagen experience is diagnostic. Therefore, it is necessary to determine and assess the level of students' vitagen experience, which is the basis for the development of entrepreneurial skills. This process was organized on the basis of engaging students to complete tests and tasks related to the field. Tests were brought to the attention of the respondent-students, which will help to determine whether they have entrepreneurial competencies and vitagen experience that will be the basis for the development of these competencies. This is what the article talks about.

Keywords: entrepreneurial competences, vitagen experience, test, «I have entrepreneurial ability» test, «Entrepreneurial ability» (test of T. Matveeva), «Determining ownership of business potential» test, «Indicator assessing students' orientation to types of entrepreneurial activity».

Тадқиқот даврида витаген тажриба асосида талабаларда тадбиркорлик компетенцияларини

ривожлантиришга қаратилган илмий-педагогик фаолият муҳим икки йўналишда амалга оширилди. Улар: 1-йўналиш: талабаларнинг тадбиркорлик компетенциялари, уларни ривожлантирувчи витаген тажрибага эгалиklarини ўрганиш (мавжуд, шунингдек, муаллифлик тестлари асосида); 2-йўналиш: витаген тажриба асосида талабаларда тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантирувчи методик таъминотни шакллантириш.

Талабаларнинг тадбиркорлик компетенциялари ҳамда уларни изчил ривожлантиришга ёрдам берадиган витаген тажрибага эгалиklarини ўрганиш мазкур ҳолатни баҳоловчи характерга эга методларни аниқлаш ва уларни самарали қўллаш олишни тақозо қилади. Тадқиқот муаммосининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг тадбиркорлик компетенциялари ҳамда уларни изчил ривожлантиришга ёрдам берадиган витаген тажрибага эгалиklarини баҳоловчи амалий-психологик ва касбий (ёки муайян касбга йўналганлик) характердаги методларни танлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

“Шахс ўзининг ҳиссий ҳолати ва ички кечинмаларини ҳар доим ҳам тўғри ифодалай олмайди. Атрофдагиларнинг шахс тўғрисидаги фикрларига эса ҳаммиша ҳам ишониб бўлмайди. Зеро, шахс ҳолатига четдан туриб назар солиш кузатувнинг аниқлиги ҳамда ишончилигини тасдиқламаслиги мумкин” [2]. Бунинг асосий сабаби шахс хулқ-атвори, ички кечинмаларининг изчил, давомли, тизимли ўрганилмаслиги билан белгиланади.

“Тест” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда синаб кўриш, синов, текшириш маъноларини англатади [7]. Педагогикада тест назоратидан фойдаланиш таълим олувчи шахсига хос бўлган сифатларни ёки унинг муайян фаолиятни юритишга тайёрлиги тўғрисидаги бошланғич ёки якуний маълумотларга эга бўлишга ёрдам беради. Тадқиқотнинг мақсади ва характеридан келиб чиққан ҳолда керакли тестларни тўғри танлаш педагогик назоратнинг самарали бўлишини таъминлайди. Бу ўринда А.Н.Майоров [5, – С. 52-53] тадқиқотчи ёки педагогларнинг пухта ўйланган иш режасига эга бўлишни, шунингдек, илмий изланиш мазмунига мос, тадқиқот мақсадига эришишга ёрдам берадиган тестларни танлаш олиши зарурлиги кўрсатиб ўтади.

Ушбу кўрсатмага амал қилган ҳолда витаген тажрибанинг талабаларда тадбиркорлик компетенцияларининг ривожланишида аҳамиятини ўрганишга ёрдам берадиган тестларни аниқлашга эътибор қаратилди. Натижада “Тадбиркорлик қобилиятига эгаман” тести [9], “Тадбиркорлик қобилияти” (Т.Матвеева тести) [9], “Бизнес потенциалига эгаликни аниқловчи” тест [10] кабилар танланди. Тестларни талабаларга тақдим этиш учун иш қоғозлари тайёрланди.

Айни ўринда “Тадбиркорлик қобилияти” (Т.Матвеева тести) [8] намуна сифатида келтирилади (1-жадвал).

Тест саволлари нафақат шахсий сифатларни, балки бизнес асослари оид (солиқ қонунчилиги, иш ҳаққини бериш тартиби, бухгалтерлик ҳисобини юритиш шартларидан хабардорлик, маҳсулот ёки хизматларга ҳудудда талабнинг мавжудлиги, маркетинг ва молия соҳалари бўйича бошланғич тайёргарликка эгалик, тадбиркорлик фаолиятларининг ҳудуддаги ҳолати, молиявий маблағнинг етарлилиги, мутахассислар, ижара, хом-ашё, ишчи кучи масалаларининг ҳал қилиниши) каби ҳолатларни ойдинлаштиради.

1-жадвал. “Тадбиркорлик қобилияти” (Т.Матвеева)

Тест саволлари ва жавоб вариантлари Тест саволлари ва жавоб вариантлари

1. Мавжуд тўсиқларга қарамай бошлаган ишни охирига етказасизми?

2. Аҳдингизда турасизми ёки Сизни бошқа қарор қабул қилишга кўндириш осонми?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ

3. Масъулиятни ўз зиммангизга олишни, бошқаришни ёқтирасизми?

4. Ҳамкорларнинг ҳурмат ва ишончларини суистеъмол қиласизми?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ

5. Ўзингизни мутлақо соғлом деб ҳисоблайсизми?

6. Натижага эришмагунча шомдан саҳаргача ишлашга тайёрмисиз?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ

7. Кўпчилик билан мулоқотда бўлиш ва ишлашни ёқтирасизми?

8. Танланган йўлнинг тўғрилигига бошқаларни ишонтира оласизми?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ

9. Бошқаларнинг ғоялари ва фикрларини тушуна оласизми? Ўзингиз хоҳлаган соҳада бизнесни ташкил қилиш учун иш тажрибасига эгамисиз?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
11. Солиқ қонунчилиги, иш ҳаққини бериш тартиби, бухгалтерлик ҳисобини юритиш шартларидан хабардормисиз? 12. Сиз таклиф этмоқчи бўлган маҳсулот ёки хизматларга тегишли ҳудудда талаб борми?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
13. Маркетинг ва молия соҳалари бўйича бошланғич тайёргарликка эгамисиз?
14. Яшаётган ҳудудингизда Сиз танланган йўналиш бўйича бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятлари яхши кетаяптими?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
15. Ижарага олмақчи бўлган бинони мўлжаллаб қўйганмисиз?
16. Шартнома тузилгач дастлабки йилда ташкилотингиз фаолиятини қўллаш учун молиявий маблағингизни етарлими?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
17. Янги корхонанинг молиявий лаёқатини ошириш учун унга қариндош ёки танишларни жалб этиш имкони борми?

18. Иш бошлашдан аввал зарур хом-ашёларни етказиб берувчи субъектларни аниқлаб олганмисиз?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
19. Ишни бошлашда соҳа бўйича тажриба, кучли билимга эга тиришқоқ мутахассислар билан ҳамкорликни назарда тутганмисиз?

20. Хусусий бизнесни ташкил этиш – Сизнинг асосий орзуингиз эканлигига ишончингиз комилми?

Ҳа Йўқ Ҳа Йўқ
Т.Матвеева [8] томонидан асосланган “Тадбиркорлик қобилияти” шахснинг тадбиркорлик қобилиятига эгаллигини бевосита бизнес асослари нуқтаи назаридан аниқлаш орқали баҳолашга хизмат қилади.

Респондент-талабаларнинг юқоридаги тестлар бўйича жавоблари куйидаги очқич ёрдамида баҳоланди (саволларга берилган ҳар бир ижобий жавоб 1 балл баҳоланади; 2-жадвал):

2-жадвал. Тестлар натижаларини ҳисоблаш

Баллар Улар ёрдамида ёритиладиган сифатлар

17 ва ундан кўп балл Тадбиркор бўлиш учун барча сифатларга эгасиз. Мақсад сари интилишингиз, Сиздаги қувват, ишонч ҳар қандай ғояни амалга оширишингизга ёрдам беради. Дарҳақиқат Сиз шуңга муносибсиз

13-17 балл Йирик тадбиркор сифатида муваффақиятга эришиш борасидаги имкониятингиз эҳтмолдан узоқроқ. Бироқ, омадли савдогар бўлишингиз мумкин

13 дан кам балл Сиздан ишни қўзини биладига тадбиркор чиқиши қийин. Тажриба орттиришга ҳаракат қилинг ҳамда мустақил тадбиркор бўлишдан аввал қайта ва қайта ўз қизиқишларингиз, истакларингиз ҳамда имкониятларингизни бир-бири билан солиштириб кўринг

Шакллантирувчи тажриба даврида юқорида қайд этилган тест мезонлари ёрдамида респондент-талабаларнинг тадбиркорлик компетенцияларига эгаллиги даражаси баҳоланди.

Баҳолаш жараёнининг натижаларига таянган ҳолда респондентлар эга бўлган тегишли компетенцияларнинг мавжуд даражаси уларни тадбиркорлик фаолияти турларига йўналтириш учун етарли эмаслигига ишонч ҳосил қилинди. Зеро, мавжуд тестлар талабаларнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга маънавий-ахлоқий ҳамда психологик тайёрлигига оид маълумотларни қўлга киритишга имкон берди. Бироқ, талабаларни тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури бўйича алоҳида қобилиятга эга эканлигига оид ахборотга етарли даражада эга бўлиш имкониятини таъминлай олмади. Шу сабабли талабаларни тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури бўйича амалий йўналтириш учун соҳалар бўйича витаген тажриба (билим, кўникма, малака)га эгалликларини аниқлашга эътибор қаратилди.

Талабаларнинг уларни тадбиркорлик фаолиятига йўлловчи витаген тажриба (билим, кўникма, малака)га эгалликларини аниқлаш мақсадида ташкил қилинган илмий-педагогик фаолият ҳам икки йўналишда амалга оширилди:

1-йўналиш: респондентларнинг тадбиркорлик фаолияти турларига оид

тушунчаларга эгаллигини аниқлаш; мазкур жараёнда респондентларнинг эътиборларига

улар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириқларни ўзида акс эттирган қуйидаги иш қоғози тақдим қилинди:

Иш қоғози

1-топшириқ. Қуйидаги схема асосида таълим муассасаларида ўқитиладиган “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодиёт ва бизнес асослари” фанлари, шунингдек, ўзингиз мустақил ўзлаштирган тадбиркорлик асосларига оид билимларингизга таянган ҳолда тадбиркорлик фаолияти турларини кўрсатинг:

Тадбиркорлик фаолияти турлари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
- ...

2-топшириқ. Қуйидаги схема асосида Сизда мавжуд бўлган витеген тажрибага таяниб, тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга ишона оладиган тадбиркорлик фаолияти турларини кўрсатинг:

Витеген тажрибага таянган ҳолда ташкил этиш мумкин бўлган тадбиркорлик фаолиятининг турлари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
- ...

3-топшириқ. Қуйидаги жадвал асосида витеген тажрибага таянган ҳолда тегишли йўналишларда тадбиркорлик фаолиятининг ташкил эта олишга ишонишингиз учун асос бўлган сабабларни кўрсатинг:

Тегисли йўналишларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил эта олишга бўлган ишонччи ифоадаловчи сабаблар

№ Тадбиркорлик

фаолияти турлари Улар бўйича амалий фаолият

олиб бора олишга ундовчи сабаблар

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
- ...

2-йўналиш: талабаларда тадбиркорлик фаолиятининг муайян турлари бўйича компетенциялар мавжудлигини ўрганиш; педагогик фаолиятнинг бу жараёнида ҳамда респондент-талабаларнинг эътиборларига улар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириқларни ўзида акс эттирган қуйидаги иш

қоғози тақдим қилинди:

Иш қоғози

1-топшириқ. Қуйидаги жадвал асосида тадбиркорлик қобилиятлари ва уларга тааллуқли бўлган компетенцияларни ажратинг:

Тадбиркорлик қобилиятлари ва уларга тааллуқли бўлган компетенциялар

№ Тадбиркорлик қобилиятлари Уларга тааллуқли

бўлган компетенциялар

1. Бизнес ғоялари ва ижтимоий ташаббусларни илгари суриш қобилияти
2. Бизнес фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш қобилияти
3. Бизнес фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва таҳлил қилиш қобилияти
4. Бизнес фаолиятини иқтисодий юритиш қобилияти
5. Бизнес фаолиятини ишлаб чиқариш ва технологик юритиш қобилияти

Зиддиятларни бошқара олиш малакаси; бизнес-ғояни ишлаб чиқиш қобилияти; компью-

тер дастурларидан амалий фойдаланиш малакалари; ахборот технологияларидан фойдаланиш хужжатларини юритиш малакаси; бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни излаб топиш малакаси; инсон капиталини оқилона баҳолай олиш малакаси; корхонанинг иқтисодий тизимни баҳолай олиш малакаси; молиявий менежмент методлари ва воситаларидан хабардорлик; ходимларни рағбатлантириш методларидан хабардорлик; мушкул вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти; маҳсулот ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштиришни амалга ошириш малакаси; сифат таҳлили, моделлаштириш методларидан хабардорлик; таянч иқтисодий-молиявий билимларга эгалик; маҳсулотларнинг “ҳаётий айланмаси”ни бошқариш малакаси; бизнес истикболини башоратлай олиш қобилияти; интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга оид таянч билимларга эгалик; ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларни тақсимлаш ва бошқариш малакаси; бозор тенденцияларини оқилона баҳолаш малакаси; дистрибуция манбаларини бошқариш малакаси; пул маблағлари билан муомала қилиш асосларидан хабардорлик; бизнесни бошқаришда лидерлик сифатларини намоён қила олиш малакаси; пул маблағларини бошқариш малакаси, бизнес-коммуникация малакаси ва этикасига эгалик

2-топширик. Қуйидаги схема асосида ўзингизда мавжуд деб билган ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг муайян турлари бўйича фаолият олиб боришингизга имкон берадиган компетенцияларни кўрсатинг:

Тадбиркорлик фаолиятининг муайян турлари бўйича ўзлаштирилган мавжуд компетенциялар

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

...

Синов ишини ташкил қилишда муаллифлик ғоясига мувофиқ диссертант томонидан асословчи тажриба жараёнида ишлаб чиқилган илмий ишланма – баҳоловчи индикатор асосланди.

Бу ўринда “индикатор” тушунчасининг моҳиятини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. “Oxford Languages” (“Оксфорд тиллари” луғати) [6] да “индикатор” тушунчаси шундай изоҳланган: қандайдир физик катталиқнинг киритилган ўлчамлар ва ҳоказолар, жумладан, кимёвий реактив саналадиган модданинг ўзгаришини ўлчашга мўлжалланган асбоб.

Тушунчанинг моҳиятини ёритувчи бошқа таърифлар ҳам мавжуд. Масалан, индикатор (лот. “indicator” – кўрсаткич; “indico” – кўрсатаман, аниқлайман): назорат жараёнининг қандайдир ўлчовлари ўзгаришини акс эттирувчи объект ёки объектнинг ҳолатини шахс томонидан бевоқифа визуал, акустик, тана орқали ҳис қилиш мумкин бўлган ёки бошқа осон қабул қилинадиган усул ёрдамида бир қадар қулай шаклда ифодаловчи асбоб, қурилма, ахборот тизими, модда [3]; бирор жараённинг боришини ёки кузатилаётган объектнинг ҳолатини инсон идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи асбоб (қурилма, элемент) [4].

Педагогикада “индикатор” тушунчаси “ютуқларни баҳоловчи индикатор” [1] сифатида қўлланилган бўлиб, бу каби индикатор якуний натижа учун сарфланган маблағни, тадбирнинг ўтказилишидан кўзланган самарани ёки сарфланган маблағни эмас, балки ресурслар ёки оралик, тизим ичидаги натижаларга оид маълумотларни ифодалашга хизмат қилади.

Диссертант томонидан асосланган баҳоловчи индикатор ўз ичига тадбиркорлик фаолиятининг асосий турлари (ишлаб чиқариш, молия-кредит, суғурта, тижорат (савдо-сотик) ҳамда воситачилик (консалтинг) тадбиркорлиги қабилар орасидан йирик пул маблағини талаб қилмайдиган, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш нисбатан осон бўлган, уни йўлга қўйиш жараёнида жуда мураккаб операцияларни амалга ошириш шарт бўлмаган ва энг муҳими, ёшлар ўртасида кенг оммалашган – ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш каби турларни қамраб олади (3-жадвал).

Баҳоловчи индикатор билан ишлашда респондент-талабалар томонидан топшириқларни бажаришда деҳқончиликка асосланган фермерлик бўйича фикрларни тадбиркорликнинг бошқа турларига нисбатан тўлиқроқ ёритишга муваффақ бўлишган.

3-жадвал. Талабаларнинг тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича йўналганлигини баҳоловчи индикатор

№ Тадбиркорлик фаолияти турлари Тадбиркорлик компетенциясига

эгалликни баҳоловчи шартлар
5 та афзал жиҳатини кўрсатинг 5 та муаммони кўрсатинг 5 та асосий иш турини
кўрсатинг 5 та витаген (ҳаётий) тажрибани келтиринг Муҳим бир жараёнини батафсил
тавсифланг

I. Ишлаб чиқариш

1. Фермерлик (деҳқончилик)
2. Фермерлик (чорвачилик)
3. Эсталик, ёдгорлик, юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш
4. Кўкатлар етиштириш
5. Салқин ичимликларни тайёрлаш
6. Пишириқ ва ширинликлар тайёрлаш
7. Егуликлар тайёрлаш
8. Ҳунармандчилик (турлари бўйича)

II. Хизмат кўрсатиш

1. Сартарошлик
2. Егулик ва ширинликларни сотиш
3. Интернет-дўкон очиш
4. Маҳсулотларни етказиб бериш
5. Иккиламчи материаллардан уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш
6. Тикувчилик
7. Тўқувчилик
8. Буюртмага сайт яратиш

Бунинг сабаби Ўзбекистоннинг аграр мамлакат экани ва респондент-талабалар учун қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончилик соҳаси нотаниш эмаслиги, ёшлиқдан шу соҳада ота-оналарга кўмакчи бўлиб келганликлари каби ҳолатлар билан изоҳланади. Айни ўринда баҳоловчи индикатор асосида топшириқларни бажаришда талабалар томонидан фермерлик (деҳқончилик) мазмунининг ёритилиши намуна сифатида келтирилади (4-жадвал).

Олинган натижалар ўз навбатида тажриба-синов ишининг кейинги истиқболини режалаштиришга хизмат қилди. Шакллантирувчи тажрибада ташкил қилинган илмий-педагогик фаолиятнинг биринчи йўналиши диагностик характер касб этганлиги тажриба-синов ишининг тўғри қўйилганлигини билдиради. Зеро, тадқиқотни олиб боришда асосий урғу витаген тажрибага қаратилди.

4-жадвал. Баҳоловчи индикатор асосида топшириқларни бажаришда талабалар томонидан фермерлик (деҳқончилик) мазмунининг ёритилиши (намуна)

№ Шартлар Топшириқнинг бажарилиши

1. 5 та афзал жиҳатини кўрсатинг 1. Ер майдонининг мавжудлиги.
2. Иш қуролларига эгаллик.
3. Соҳа бўйича витаген тажрибага эгаллик.
4. Қийин вазиятда тажрибали шахслардан маслаҳат олиш мумкинлиги.
5. Соҳага оид муаммони ҳал қилиш имкониятининг юқорилиги
2. 5 та муаммони кўрсатинг 1. Янги технологияларни жорий қилиш.
2. Сувнинг тобора тақчил бўлиб бораётгани.
3. Ерларнинг шўрланиш даражасининг ортиб бораётгани.
4. Уғитларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги.
5. Об-ҳавонинг соҳага кўрсатадиган кучли таъсири
3. 5 та асосий иш турини кўрсатинг
1. Боғдорчилик.
2. Узумчилик.
3. Пахтачилик.
4. Шоличилик.

5. Ғаллакорлик
4. 5 та витаген (ҳаётий) тажрибани келтиринг 1. Экин майдонини мавсумга тайёрлаш малакасига эгалик.
 2. Экинларни экиш малакасининг ривожлангани.
 3. Экинларни ўғитлаш малакасига эгалик.
 4. Экинларни суғориш малакасининг ривожлангани.
 5. Ҳосилни йиғиштириш ва сақлаш малакасига эгалик
5. Муҳим бир жараёнини батафсил тавсифланг Экинларни парваришлаш
 1. Экинларни экиш.
 2. Экинларни зарур вақтда суғориш.
 3. Экинларни зарур вақтда ўғитлаш.
 4. Талаб қилинганда экинларнинг тагини юмшатиш.
 5. Зарур вақтда экинларни ягоналаш (ягона қилиш)

Шундай қилиб, талабаларни тадбирорлик фаолиятига йўналтиришда уларнинг бу борада муайян витаген тажрибаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг ташкил этилиши учун асос бўладиган витаген тажрибага эгалик бево-сита унинг бу борада қобилиятли эканини акс эттиради. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш вақтида респондент-талабаларнинг витаген тажриба негизида шаклланган тадбиркорлик компетенцияларга эгаликлари ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агранович М.Л. Индикаторы достижения целей устойчивого развития в сфере образования и национальная образовательная политика // <https://cyberleninka.ru/article/n/indikatory-dostizheniya-tseley-ustoychivogo-razvitiya-v-sfere-obrazovaniya-i-natsionalnaya-obrazovatel'naya-politika>.
2. Большая энциклопедия психологических тестов / Электронная книга. ДиректМедиа, 2005. – С. 5.
3. Индикатор (Indicator) – это // https://economic-definition.com/Technical_Analysis/Indikator_Indicator_eto.html.
4. Индикатор нима? // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/indikator-uz>.
5. Майоров А. Н. Теория и Практика создания тестов для системы образования (Как выбирать, создавать и использовать тесты для целей образования). – М.: Интеллект центр, 2002. – С. 52-53.
6. Oxford Languages // <https://languages.oup.com/google-dictionary-ru>.
7. Сущность понятий “тест”, “тестирование” // <https://ped.bobrodobro.ru/14259>.
8. Тест “Предпринимательские способности” (Т.Матвеева) // <https://fmc.hse.ru/mirror/pubs/share/205924843>.
9. Тест “Предпринимательские способности” // <https://testograd.com/test/test-na-biznesmena>.
10. Тесты на определение предпринимательских способностей // <http://kschool1.com/ММС/monitoring.pdf>.